
Ўқчи қишлоғига юқори тезликдаги интернет тармоғи кириб борди
Бугун рақамли технологиялар барча соҳаларга ва одамлар ҳаётига жадал кириб
боряпти.

Бу борада жойларда телекоммуникация имкониятларини кенгайтиришга
қаратилган самарали тадбирлар муҳим ўрин тутди.

“Ўзбектелеком” АК ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан аҳолининг юқори
тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланишини таъминлаш мақсадида
оптик толали алоқа линияларини қуриш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Амалий ишлар натижасида, Ўзбекистон тумани марказидан 17 чақирим
узоқликда жойлашган Ўқчи қишлоғи аҳолисига юқори тезликдаги интернет
тармоғига уланиш имконияти яратилмоқда. Бунинг учун ҳудудга 20 км узунликда
оптик толалари алоқа кабеллари ётқизиб борилиб, 512 абонент сиғимига тенг
OLT қурилмаси ўрнатилди ва монтаж ишлари якунланди.

Қайд этилишича, ушбу жараёнлар туманнинг бошқа ҳудудларида ҳам босқичма-
босқич давом эттирилади.

2022-02-10 21:28:53